

ЯПОН ВА ҚУВАЙТ АДИБАЛАРИ ХИКОЯЛАРИДА АЁЛ ОБРАЗИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-22-24-27>

Ахмедова Шахло Иргашбаевна

филология фанлари номзоди,

доцент Тошкент давлат шарқшунослик университети

(+99890) 316 70 71

АННОТАЦИЯ

Уибұ мақолада Япон ва Қувайт ҳикоянавислиги тараққиетіндең қысса құшынан адебалар ижоди тадқиқ этилған. Шунингдек, асарларидаги образлар тизими, уларнинг ғоявий-эстетик таъсирчанлиги, аңынавиilik өзінен жаңындылықта, аёл образы каби бадиият масалалари күтариленген.

Таянч сұздар: Япон ҳикоянавислиги, Қувайт ҳикоянавислиги, адебалар ижоди, реализм, мажоз, рамзий образлар, бадиий метод, қаҳрамон шахсияти.

АННОТАЦИЯ

Образ женщины в рассказах японских и кувейтских писателей. В этой статье рассматриваются исследование рассказов писательницы, внёсших большой вклад в формирование и развитие японской и кувейтской новеллистики,. Также были подняты проблемы художественности и идеально-эстетического воздействия их образов, типологическая общность и, одновременно, своеобразие.

Ключевые слова: Японская новеллистика, Кувейтская новеллистика, женское литературное творчество, реализм, метафора, символические образы, художественный метод, личность героя.

ABSTRACT

The image of a women in the stories of Japanese and Kuwaiti writers. This article examines the research of the writer's stories, which made a great contribution to the formation and development of Japanese and Kuwaiti short stories.. The problems of artistry and the ideological and aesthetic impact of their images, typological generality and, at the same time, originality were also raised.

Keywords: Japanese narrative, Kuwait narrative, women's creativity, realism, trope, symbolic images, artistic method, hero's personality.

Образ адабий асарнинг энг муҳим ва таъсирчан унсуридир. Айнан образ орқали ижодкор воқеликнинг ўз тафаккури ва ҳиссияти оламидан ўтказиб, уни асарида ўзига хос бадиий шаклларда тиклади, жонлантиради. Шунинг учун ҳам образ тил воситасида ғоявий-эстетик мазмунни ўзида мужассамлаштирган тушунча бўлиб, у ижодкорнинг ҳаётий кузатишлари асосида шаклланади. Бадиий асардаги маълум ғояни ташувчи инсон ҳаётининг ифодаси бўлган образ бир пайтнинг ўзида ҳам индивидуаллик, ҳам умумийлик хусусиятларига эга.

Япон адабиётида Банана Ёсимото исми одатда машхур адеблар билан ёнма-ён қўйилади. Ёзувчининг насли енгил ўқилиши ва ғайриодатий руҳий теранлиги билан ажralиб туради.

Масалан, Банана Ёсимотонинг “Калтакесак”¹ ҳикояси жуда оддий ёзилган – енгил ўқилади, сюжети ҳам оддийгина, жумлалари содда-тушунарли. Қават-қават, “тарчи... бўлмаса ҳам, модомики... экан, у ҳолда, то ... гунча, ... юз бериши даргумонлигига қарамай” қабилидаги жумлалар мутлако йўқ. Умуман, адибанинг барча асарларида дабдабали, жимжимадор тасвиру баёнлар учрамайди, Лекин, шунга қарамай, ўқувчи ҳикоянинг мағзини тушуниши қийин. Ўқиган дам сезади нимадир жуда муҳим, жуда юракка яқин гап борлигини, афсуски, ўша гапнинг тагига етолмайди. У ғайриоддий. Қанақадир гаройиб ҳам. Биз муаллифнинг жиллақурса тасвирда ёки иккита қаҳрамон ўртасидаги ўзаро сухбатда аралашиб қўйиши орқали баъзи нарсаларнинг тагмаъносини сезиз олишга ёрдам беришига кўнишиб қолганмиз.

Банана Ёсимото бу йўлдан бормайди. У акс эттиради ёки ички ҳиссиётлар оқимини ифода этади, бироқ шундай ифодалайди ва акс эттиридаки, унинг ана шу маҳорати туфайли нияти, фикри баривар пинхон қолади. Албатта, мистика ёки фантастик унсурлардан фойдаланади, пировардида ўқувчи унинг тагига етиш учун бош қотиришига тўғри келади.

“Калтакесак” ҳикоясининг аёл қаҳрамони ҳақида дабдурустдан бир нима дейиш қийин. Унинг турган-битгани жумбоклардан иборат. Бир дақиқадан кейин нима дейиши, нима хунар кўрсатишини ёзувчининг ўзи ҳам билмайди, гўё!

Калтакесакнинг кўрган куни ҳақида дабдурустдан ёмон, ўта ғариф, фожиали деёлмайсан, чунки у бошқа одамлар сингари кундалик ташвишларга ўралашиб мечкай, манфаатпарастлик ботқоfiga ботиб яшамайди ахир, унинг ўз эътиқоди, ниятлари, энг асосийси, юрагида умид бор, минг ачинганинг билан, ҳатто калтакесакка ўхшашлиги, увокқиналиги, кўримсизлиги, бошига тушган фожиалар, кулфатлар натижасида одамови бўлиб қолгани, ёлғиз яшашни хуш кўриши, кувноқ, шўх-хандон ҳаётдан бебахралагига қарамасдан уни баҳтиқаро деёлмайди киши. Аксинча, юрагининг яширин тубларида яшаётган катта орзу-умидлари уни бизга яқин қиласи, эътиборимизни жалб этади. У одамларга фойданг тегмаса ҳам зааринг тегмасин, деган эътиқодда эмас, бильякс, дард чекаётган кишиларга малҳам бўлгиси келади. Шу маънода унга ўхшаган одамларнинг ҳаёти қанақа – ёмонми ёки яхшими дея мулоҳаза юритмаслик лозим, у бошқача яшай олмаслигини тушуниш керак холос. Адибанинг асарлари ҳақида мулоҳаза билдира туриб, шуни айтаманки, унинг зулм ва зуғум, ёмонлик ва фожиалар юз бермайдиган ҳикояларидаги каби “Калтакесак”дан ҳам ночорлиқ, бедаволик уфуриб туради. Чунки унинг юрагида жўш урган катта орзу-умидларни, эзгу инсоний интилишларни шафқатсиз ҳаёт тўфонлари хар қадамда барбод қилиши мумкин. Таъбир жоиз бўлса, у ҳозир шундай яшапти.

Ҳолбуки, шунинг ўзи катта гап эмасми?! Эҳтимол, шунинг ўзи ҳам баҳтдир?! Охир-оқибат мана шундай дикқат қиласидиган, юракни эзадиган фикрларга дуч келишинг учунгина эмас, бутун табиатига кўра Банана Ёсимото асарларини, алоҳида тайёргарлик демаймиз-ку, лекин одам ўзини чоғлаб, мусаббир кайфиятда ўқиши мумкин. Ўқиганда ҳам шошилмай, мазасини ҳис қилиб ўқиши лозим. Асар қаҳрамонларининг ғариф ва бенаволиги, ночор ва бенажотлиги юрагингизни сиқиб юборади. Лекин шунга қарамай муҳими Ёсимото асарлари жонли, ҳаётий. Уни охиригача ўқиёлмасангиз ҳам, лекин китобни ташлаб юборолмайсиз. У қўйиб юбормайди. Юрагингизнингми, шуурингизнингми аллақайси ерида ўша тақдирлар, ўша қаламга олинган таниш ва нотаниш ҳаёт қандай кечгани, охири нима билан тугашини билиш истаги сизга баривар тинчлик бермайди.

Дарҳақиқат, Кувайт ҳикоянавислигининг яна бир ёрқин намояндаси Фотима Юсуф Али ижодига тўхтадиган бўлсак, адiba ўз услубига, ўз бадииятига эга бўлиб, у кўп қиррали қалам соҳибасидир. У фаол ижтимоий арбоб, истеъдодли журналист, ҳассос ёзувчи.

¹ Балибиков Е. Сборник рассказов “Ящерица”. Перевод с японского языка. Изд-во Амфора. М.,2002. –С.6-16.

Қароргоҳи Қоҳира шаҳрида жойлашган «Араб мамлекатлари аёллар бирдамлиги жамияти» муассаси кенгашининг муносиб аъзоси бўлмиш Фотима Юсуф Али асарлари миқёсида «аёл муаммоларининг жўшқин кўйчиси» сифатида танилди ва эътироф этилди.

Фотима Юсуф Али адабиёт оламига 70-йиллар бошида кириб келди ва тез орада хассос ижодкор сифатида ном таратди. У бир нечта ҳикоялар тўпламларининг муаллифидир. Ушбу тўпламлар ичидаги «Та марбута»² тўплами унинг шоҳ асари ҳисобланади.

Тўпламнинг барча ҳикоялари бир мавзуга, яъни Кувайт аёлининг оила ва жамиятда тутган ўрнини кўрсатишга бағишиланган. Адабанинг ҳикояларида аёл марказий шахс бўлиб гавдаланар экан, унинг саъий-ҳаракатлари, фазилатлари, ички озодлиги, фаол ва мустақил инсон бўлиши, ўсиб келаётган ёш авлод тақдирига таъсир кўрсатади. Бу ҳақиқатни биз адабанинг мазкур тўпламдан ўрин олган «Аёлнинг оғриқлари босилмайди»³ (أوجاع امرأة تهدأ) хикояси мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Мазкур ҳикоя марказида Лубна исмли аёлнинг ота-онасининг бағрида ўтган болалиги ва турмушга чиққанидан сўнг, ўз фарзандлари билан бўлган мураккаб муносабатлари кўрсатиб берилган. Ҳикоянинг қаҳрамони Лубна чамаси 50 ёшлар атрофидаги чиройли, мафтункор ва бой аёл бўлиб, насл-насабли авлодга мансубдир. У таниқли адига бўлиб, унинг бир нечта китоблари нашр қилиниб, асарлари шуҳрат қозонгандир. Бевакт вафот этган эридан унинг 2 фарзанди, яъни 20 ёшли қизи ва талаба ўғли бор. У эрининг вафотидан сўнг бошқа турмуш қурмаган. Лубна «озод аёл» маъносини ўзича тушуниб, ҳаёт неъматларини ҳамма нарсадан устун қўяди. Майшатга берилиб, бир қанча жазманлар орттирган. У ўз уйини номигагина адабиёт вакиллари учрашадиган маскан қилиб, баҳонада турли корчалонлар, нопок инсонлар йиғиладиган ишратхонага айлантирган. Онасининг бу ҳатти-ҳаракатидан фарзандлари норози бўлишиб, қўни-қўшни, таниш-билиш олдида ор-номусдан бош кўтаролмай қолишган. Лекин ҳулқи айнигар худбин она ўз ҳирсларига қул бўлиб, нафсини қондириш, эҳтиросларга берилишни ҳамма нарсадан устун қўяди. Оқибатда қизи онасидан узоқлашади, ўғли эса, талabalар ётоқхонасига бутунлай кўчиб ўтади.

Ўғил ўз онасидан хабар олгани умуман келмайди. У ёзда ишлаб амаллаб пул топиб, ўқишининг шартнома пулинин ҳам ўзи тўлайди. Онасидан ёрдам ҳам сўрамайди, чунки онасининг кечираётган ҳаёти унда фактат нафрат уйғотади.

Ушбу ҳикояда адига маълум даражада қувайт жамиятининг бой қатламларига хос бўлган баъзи иллатларни очиб беради: иккюзламачилик, қўшхотинлик, мунофиқлик, аҳлоқий бузуғчилик ва ҳоказо.

Адига ўз асарларида асосан аҳлоқий масалаларга катта эътибор беради ва биринчи навбатда аёлнинг ҳукуқи, унинг оиласидаги жамиятдаги тутган ўрни билан боғлаб тасвирлайди.

Фотима Юсуф Алининг бадииятига тўхталағидиган бўлсак, асарларининг тили лўнда, ифодавий-тасвирий воситаларни нисбатан кам ишлатади. У бутун эътиборини қаҳрамоннинг ички дунёсини таҳлилига ва унинг ҳатти-ҳаракатига қаратади, психоанализга ургу беради.

Адабанинг «Аёлнинг оғриқлари босилмайди» ҳикояси ретроспектив сюжетга эга. Ҳикояда Лубнанинг бўлинган эсдаликлари (хотиралари орқали) баён этилади. Бўлинган эсдаликлар ҳикоя композицияси қисмларини ташкил қилиб, ҳар бир қисм ўз сюжетига (воқеалар силсиласига) эга. Ҳар бир қисмнинг воқеа ҳодисалари турли макон ва замонда рўй беради, Масалан Лубнанинг ёшлиги ва ўша пайтда содир бўлган воқеа-ҳодислар, улғайгандаги баъзи ҳодисалар, фарзандлари билан бўлган муносабатлари ёки шахсий ҳаётидаги учрашувлар ва ҳоказо.

² فاطمة يوسف على، تاء مربوطة. قصة القصيرة. القاهرة، 2001.

³ فاطمة يوسف على، تاء مربوطة. قصة القصيرة. القاهرة، 2001. 26-38.

Адиба ўз қаҳрамонлари образларини шакллантиришда таъриф-тавсиф услуби, портрет характеристикаси, нутқий характеристика, психологик ҳолат, ички монолог ва бошқа бир қатор усуллардан ўз ўрнида моҳироналиқ билан фойдаланади.

Адibalар Ёсимота Банана ва Фотима Юсуф Али ижтимоий ва инсоний ахлоқий қадриятларга нисбатан ўзининг қатъий нуқтаи назарига эга. Уларнинг ҳикоялари турли-туман образларга бой. Уларни матнда турли вазифа бажариши, энг аввало, муаллифаларни асарлари олдига кўйган мақсади билан боғлиқ. Ғоявий-эстетик мазмун мужассамининг ифодаси бўлган бу образлар аниқ-индивидуал шаклда ҳам, ассоциатив фикрлаш орқали умумлашган ҳолда ҳам мураккаб ҳаётий ҳодисаларни ифода этади. Ёсимота Банананинг эпик ҳикоялари бутун моҳияти билан яхлит бир образни очиб беришга қаратилса, Фотима Юсуф Али образлари кўп ҳолларда предметли (тимсол-персонажлар, тимсол-деталлар, тимсол-ҳолатлар), улар алоҳида рамзий характеристерга эга бўлиб, воқеликни аниқ белгилайди. Шунинг асарларидағи умумлашган мазмуний образлари эса ҳаётнинг қонунийлигини муайян вақт ва муайян муҳитга тақамай, воқеликнинг у ёки бу муаммосига муаллиф муносабатини очиб беради ва муаллиф томонидан воқеликни хиссий қайта фикрлашдан келиб чиқиб жавоб беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, адibalар ўз ҳикояларида қаҳрамонларнинг ички дунёсини ифодалаб баёнда нозик психологик таҳлил орқали ҳикоячи образи муаллифга қанчалик яқинлигини намоён қиласди. Адibalар ижоди асосан ижтимоий таҳлилга ҳамда ҳаётни ўз ҳаёт шаклида тасвирлашга йўналтирилган реализм контекстига ҳамоҳангдир. Шу билан бирга уларнинг асарлари ичida воқеликни мифлаштириш ёки асотирлаштиришга мойил ҳикоялар ҳам учрайди. Бундай ҳикоя образлари эса онгости ва кўп сонли ассоциацияларнинг воситаси орқали ўзига хос маъно фонига эга бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Балибиков Е. Сборник рассказов “Ящерица”. Перевод с японского языка. Изд-во Амфора. М.,2002. –С.6-16.
2. فاطمة يوسف على، تاء مربوطة. قصة القصيرة. الفاهر، 2001
3. Akhmedova, Shakhlo Irgashbaevna. (2021). "SYMBIOSIS OF ARTISTIC TRENDS IN CONTEMPORARY LITERATURE OF THE ARAB COUNTRIES OF THE PERSIAN GULF." *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES* (2767-3758) 2.09, 105-109.
4. Ahmedova, S. I. (2021). BAHRAYN YOZUVCHILARI FAVZIYA RASHID VA AMIN SOLIH HIKOYALARI USLUBI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 2), 85-90.
5. Akhmedova, Shakhlo Irgashbaevna. (2021). "Ideological and artistic searches in the short stories of the arab countries of the persian gulf at the beginning of the XXI century." *Asian Journal of Multidimensional Research* 10.10, 838-842.
6. Ahmedova, S. I. (2021). XITOY VA KO 'RFAZ ARAB MAMLAKATLARI YOZUVCHILARI ASARLARIDA MAGIK REALIZMNING XUSUSIYATLARI VA USLUBLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 1), 369-375.
7. Akhmedova, Shahlo. (2017). "NOVELLISTICS IN THE ARAB COUNTRIES OF THE PERSIAN GULF." *International Scientific and Practical Conference World science*. Vol. 5. No. 4, 9-11
8. Shaxnoza Komilova Turobiddinovna (2021)."The Development of Drama as a Genre in Chinese Literature". International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding (IJMMU) Vol. 8, No. 4, April. <http://dx.doi.org/10.18415/ijmmu.v8i4.2565>